

Минг йилларким, курраи заминда яшовчи жамики одамзод, хатто кай бирлари дунёнинг кайси бурчагида жойлашганини билмасалар ҳам, Мухаммад ал-Хоразмий боис, ўзларининг талаффузида Хоразмни, медицина дея Ибн Синони тилга оладилар. Бу ўзбек деб аталмиш миллатнинг гурури, шухратидир.

Билхак, шаркона маданият, улугвор маънавият, санъат, адабиёт, ёзув ҳам жахон микёсида жуда кадимийдир. Асрлар давомида сайкаллашиб келаётган маданий мулкка ворислигимизни нечун бошимизни баланд кўтариб айтмаслигимиз керак. Минг йиллар мукаддам туркийда ижод этган забардаст шоирларнинг давомчилари — Хофиз Хоразмий, Кутб Хоразмий, Сайфи Саройи ва бошқалар ўзбек тилида баракали ижод этганлар. Демак, Хоразмийнинг 1353 йили ёзиб тугалланган “Мухаббатнома”сида:

Сенинг ишкингда Хоразмий йўколди,
Ва лекин Ер юзинда оти колди. —

дея кайд этилганидек, она тилимиздаги адабиёт илдилари биз ўйлагандан ҳам теран. XIV — XV асрларда яшаб ижод этган шоирлар, айникса, Алишер Навоий хазратларининг мулкидан бахрамандлик ила баракали ижод этган шоирлар бенихоя кўп. Дарвишали Чангийнинг мусика рисоласида Хивада (XV аср) тугилган Девонаи Хисобийдан кўпгина накшлар, пешравлар ва шеърий дostonлар колгани таъкидланади. Девонаи Хисобий Абдурахмон Жомийга мусикадан сабоқ берган экан. Ҳам давлат арбоби, ҳам шоирликда донг чиқарган бобокалонимиз Шермухаммад Мунис, Огахий, Рожий, Нишотий, Равнак, Роким ва бошқалар ўзбек адабиётининг юксалишига катта хисса кўшганлар.

Аждодларимиз арабий ва форсийда ҳам мукамал асарлар яратганлар, не-не дурдона асарларни она тилимизга ўгирганлар. Барча халқларга насиб ҳам этавермайдиган ноёб истеъдод — ижодда серкирралик бизга ота-боболардан мерос ва бебахо мулк, уни биз хамиша меҳр ила эъзозлаймиз.

Мухтарам юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидланганидек, “Агарки мана шу мукаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз хаёти ва фаолияти билан нафакат тарихда, айни вақтда башариятнинг бугунги тараккиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из колдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узок гапириш мумкин.

Бизнинг ўз олдимизга кўйган максадимиз эса, бундай улуг зотларнинг хаёт йўли ва колдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами накадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебахо бойликни хар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ўйлайман. Нега деганда, ўзимиз — бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди”. Юртбошимизнинг бу даъватларини биз ўзимизга дастуруламал қилиб олмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, назм гулшанининг 22 жанрида баракали ижод қилган, қарийб 20 минг

мисрадан ортик назм дурдоналарини ўзида жамлаган “Таъвиз ул-ошикин” девонини, амакиси бошлаган “Фирдавс ул-икбол” ва яна бешта мустакил тарихий асар яратган, 20га якин асарларни таржима килган атокли шоир, тарихнавис олим, мохир таржимон, давлат ва сиёсат арбоби, Мухаммадризо Эрнийезбек ўгли Огахий Юртбошимиз назарларида тутган халкимизнинг буюк намояндalари сирасига киради.

Мухаммадризо Огахий шеъриятининг ўк чизиги — ошиклик, халоллик, ростлик, элга-юртга, Оллохга меър-мухаббат, эътикод, иймондир.

Тангри таваккул ахлига бўлгай тараф бўлса қачон,
Хайли тамаввул бир тараф, ахли таваккул бир тараф.

Ахли таваккул — Тангридан умидворлар, хайли тамаввул — мулкдорлар, бойлар. Аник ва тиник ифода — хар қачон Тангри ўзига умидворлар тарафидадир. Бу:

Бог ичрадур гул бир тараф, девона булбул бир тараф,
Нозу тагофул бир тараф, фарёду гулгул бир тараф —

дея бошланувчи газалнинг ичида тасаввуф илмига эътикод намунаси сифатида битилган, ва яна, газал охирида шоир кўш маънолик ила шундай дейди:

Гар сўрса холинг, Огахий, ёринг келиб кетгай эди,
Тандин такосул бир тараф, жондин такохул бир тараф.

Худди шундай, хазратнинг машхур “Феруз” куйи билан айтилувчи “устина” радифли газали:

Мушкин кошнинг хайъати ул чашми жаллод устина,
Катлим учун нас келтирур нун элтибон “сод” устина —

деб бошланади-ю, охиrhoгида шундай панду насихат янграйди:

Э шох, қарам айлар чоги тенг тут ёмону яхшини,
Ким, меър нурын тенг сочур вайрону обод устина.

Чунки:

Хоки танинг барбод ўлур, охир жахонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар, тахтинг куруб бод устина.

Ва, энг хайратланарлиси, буларни айтишдаги журъатлилик дил тубидан отилиб чиккан вулконга менгзайди:

Не журъат ила Огахий, очкай огиз сўз дергаким,
Юз хайли гам килмиш хужум ул зори ношод устина.

Шоирнинг халкчил, бир қарашда содда ва лекин тагмаъноли, ўйноки газаллари ҳамма

даврда ҳам баланд пардаларда жаранглайверади. Ижодкор — замон одами. У замон нафаси билан яшайди, тирикликнинг гаму шодмонлигига вобаста умргузаронлик килади.

Зару хилъатдин этти Огахийни ийдаро шодон,
Илохи, шохга еткур ики оламда шодонлиг —

дея хайит байрами муносабати ила халк шодмонлигига кўшилиб хурсандчилигини изхор этади. Ҳамда дунёнинг пасту баландини, ёруг-у коронгусини борлик вужуди ила идрок этганидан одам ҳаёти олам кенгликларида зарра янглиг ўткинчилигига иймон келтиради.

Истабон айш, Огахий, гам бошинга келтурмаким,
Дахр базму айши андухи гамига арзимас —

дейиш билан, келгуси давр хушбахтлигига ишонч шоирни бошқалардан айри, яъни улкан Шахс макомига мукайяд этади. Яратганга илтижо ва умидворлик туйгуси уфуриб турган газаллар ҳамма замонларда ҳам худди куни кеча битилгандай илик тахайюлларга тортаверади:

Эй куёш, юзинг очким, гам тунида зорингман,
Сидк ила нафас ургон субхи бегуборингман.

Сан жамолу хашматда хусн мулки шохисан,
Ман малолу кулфатда бандаи назорингман.

Килма айб агар килсам ишкинг ичра ожизлик,
Карилик юки босгон зору бемадорингман.

Гарчи ўзгалар ёнглиг айлай олмогум хизмат,
Лек олар каторида бир умидворингман.

Неча умрлардурким фуркатинг гами ичра,
Йиглабон кеча-кундуз зору бекарорингман.

Мархамат кўзи бирла холима назар килгил,
Кўйинг ичра ер тутгон бир дуогузорингман.

Истасам азиз ўлмок тонг йўк илтифотингдин,
Чунки Огахий ёнглиг ишкинг ичра зорингман.

Огахий хазратлари “Таъвиз ул-ошикин” девони дебочасида шундай лутф киладилар: “Эмди донишманд фузало ва диккатпайванд шуаронинг лутф ва мурувватларидан тарассуд ва таваккуъ (умид) улким, факирнинг узрига кулок солиб ва холига тараххум килиб, айбпўшлиг кўргузгайлар ва бу нуханинг хар сатрида бузук иборат кўрсалар, ислох бериб, коидага мувофик тузгайлар ва факирни дуойи хайр била ёд ва рухимни ҳамул дуо такроридин масрур ва шод килгойлар. Китъа:

Хар ким ўқуса, дуо била ёд этгай,
Рухимни бу ёд этмак ила шод эткай.

То Тангри анинг бу карами борасида,
Жойини икки жахонда обод эткай”.

“Дебоча”даги бу сўзларни кайта-кайта ўқиб, бундан қарийб 150 йил муқаддам шам ёругида авлодларга узрхохлик ила кайдларини таҳрири ракам этаётган ҳолатдаги Огахий сиймоси кўз ўнгимда гавдаланди. Беихтиёр ҳаёлимдан шоирнинг камтарлиги, дуо исташи баробарида дуоғўйлиги, содда ва фақирона илтижосида асрлар оша ўқувчи ила хамсухбатлик, хамнишинлик умиди қанотланди. Бугунги қалам аҳлига хам шу янглиг камтарлик саодатидан баҳраманд бўлишликни тилагим, абадиятга дахлдор шоири даврон Мухаммадризо Огахий ҳазратларига: “Уммон янглиг тўлкинли, чуқур фалсафий шеърятингиз замон адогигача боқий қолгусидир”, дея дуоларига мушарраф бўлгим келди.

Комил Аваз